

## ЧИРЧИК ВОХАСИ ЛЕССИМОН ЖИНСЛАР ГЕНЕЗИСИ

УзМУ магистранти

Гуломова Лайло Салоҳиддин кизи

УзМУ уқитувчиси

Хусаинов Хушид Ахмадович

Жаҳон амалиётида сўнгги 20-30 йил ичида тоғ жинслардан ва геологик кесимлардаги тупроқ катламларида кетган жароён ҳақида маълумот олиш учун чўкинди жинсларнинг магнит хусусиятларини ўрганиш билан боғлиқ бўлган – магнетизм (тупроқ магнетизми, магнитометрия) усули янги йўналиш сифатида фаол ривожланмоқда..

Чўкинди жинсларнинг магнит майдони тасири натижасида магнит хусусиятларини магнитоминералогик ва иқлимий жиҳатдан малум физик – географик шароитда шаклланиши, тупроқ катламларида бу хусусиятларини мухирланиб қолиши катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Олиб борилган дала амалиёт ишлари шуни кўрсатадики, юқорилиги аниқланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон, Украина, жанубий Россия, Тоджикистан ва Хитойнинг лёссимон ётқизиклари тарқалган ҳудудларда магнит хусусиятлари юқори бўлган лёссимон ётқизиклар кесимидаги ўзгаришлар иқлим шароити билан боғлиқлиги аниқланди.

Жаҳон амалиётида қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона фойдаланиш масалаларини ҳал этишда унинг самарадорлигини ошириш долзарб аҳамият касп этади. Бу жиҳатдан тупроқни ўзгарганлик даражасини ўрганиш учун магнитометрик усули истиқболли бўлиб, уларнинг диагностик кўрсаткичларини баҳолашнинг инструментал экспресс усуллари билан характерланади.

Бугунги кунда бу йўналиш доирасида дунёнинг кўплаб мамлакатларида жумладан, Ўрта Осиёда олиб борилаётган тадқиқотларда, қолаверса

Ўзбекистон ҳудудида олиб борилиши ривожланмоқда. Минтақадаги лёссимон тупроқ жинсларини ўрганишнинг узоқ тарихига қарамай, шу пайтгача палеотупроқлар ўрганилмаган ва стратиграфик шкалага боғланмаган, палеотупроқларнинг зонал ва кенг ривожланиш хусусиятлари тизимлаштирилмаган, уларнинг бўлиниши ва ўзаро солиштириш мезонлари аниқланмаган, тупроқ комплексларининг қалинлиги, ранги, структураси, магнит хусусиятига қараб лёссимон-тупроқ катламларини хариталаш усуллари ишлаб чиқилмаган. Кичик комплексларнинг ўзига хос хусусиятлари тавсифланмаган, бу геология ва палеогеографиянинг бир қатор амалий муаммоларини ҳал қилишда фойдаланишга имкон беради.

Шарқий Ўзбекистонда фундаментал ва амалий характердаги тадқиқотлар объекти Чирчиқ дарёсининг ўрта ва юқори оқимларида лёсс ва лёссимон жинслар кенг ривожланган Аркутсой, Қодиря, Қорасу ва бошқа геологик кесмалар ҳисобланади. Бу объектларни танлашдан мақсад, бу ерда бир қатор тадқиқотлар биз томонимиздан ўтказилган, яъни геологик тузилиши, палеотупроқ жинсларнинг тарқалиши ва магнит хусусиятлари аниқланган.

Ўзбекистон Республикасини<sup>1</sup> янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...алоҳида ҳудудларда табиий ва минерал хомашё салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш» вазифалари белгилаб берилган. Ўрганилаётган объектларда тупроқларнинг асосий турларининг магнит хусусиятлари ва унинг кўрсаткичларидан илмий тадқиқотлар ва амалий тупроқшуносликда фойдаланиш имкониятларини ўрганиш ва тавсиялар ишлаб чиқишдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3004-сон

«Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида ягона геологик хизматни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 1 мартдаги ПҚ-3578-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг - VIII «Ер ҳақидаги фанлар (геология, геофизика, петрофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Тупроқларнинг магнит хусусиятларини дастлабки аниқлаш ўтган асрнинг иккинчи ярмида бошланган. (Бабанин В.Ф., 1995й) Лёссимон ётқизикларининг тупроқ қатламлари ва уларнинг магнит хусусиятларини ўрганиш борасида, нафақат тадқиқот олиб борилаётган ҳудудда балки, бошқа ёндош майдонларда ҳам ҳали ечимини топмаган айрим масалалар мавжуд. Шу билан биргаликда лёссимон ётқизикларни ва уларнинг магнит хусусиятларини ўрганиш ҳамда уларни тарқалиш қонуниятларини талқин қилиш масалалари В.А.Обручев, А.П.Павлов, Ю.А.Скворцов, Н.П.Васильковский, Г.А.Мавлянов, А.И.Исламов, Э.В.Кадыров, М.Ш.Шерматов, Х.А.Тойчиев, С.Эгамбердиев, И.А.Туйчиева, А.Г.Стельмах, У.К.Абдуназаров, Г.Ф.Тетюхин, В.Т.Трофимов И.Н.Степанов,

В.Ф.Бабанин, Ю.Н.Водяницкий, С.А.Шуба, Б.М.Яновский, Л.Е.Шолпо, Г.А.Поспелова ва бошқа кўплаб тадқиқотчиларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Абдуназаров У.К. Палеогеографическое значение изучения погребенных почв лёссовых толщ Приташкентского района // В сб. Международной научно-практической конференции “География в современном мире. Теория и практика”. Ташкент, 2006.

2. Абдуназаров У.К., Крахмаль К.А. Четвертичные отложения и палеопочвообразовательные процессы Приташкентского района // В сб. Республиканской научно-практической конференции “Жанубий Ўзбекистонда география мактабининг шаклланиши ва ривожланиши”. Термез, 2006.

3. Stelmakh A.G., Toychiev H.A. The palaeomagnetic characteristics of the Holocene deposits in the Chirchik river basin // Magnetic Moments: Materials of the International conference. – Edinburgh: The University of Edinburgh School of GeoSciences, 2008. CD ROM.

4. Stelmakh A.G. Toychiev H.A. Geomagnetic field in Holocene time on example of the sections in the Chirchik river basin of Uzbekistan // Information Geological Congress Oslo, Norway 2008. CD ROM.